7 ФЕВ 1992

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 11 (10,260).

1992 йил 16 январь пайшанба

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

НАРХЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1992 йил 16 январдан ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларга, халқ истеъмоли товарларига, ишлар ва хизматларга талаб ва таклиф остида шаклланадиган шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларга асосан ўтиш амалга оширилсин.

2. Аҳолининг, энг аввало ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олиб, 1—3 иловаларга мувофиқ озиқ-овқат ва саноат (болалар) товарларининг чегараланган доирасига чекланган нархлар миқдорлари, шунингдек аҳолига кўрсатиладиган хизматларга тарифларнинг чекланган миқдорлари белгилансин.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва энг муҳим озиқ-овқат товарларининг белгиланадиган чекланган чакана нархлари билан боғлиқликни таъминлаш мақсадида дон, гуруч, чорва моллари, парранда, сут ва тухум учун 4-иловага мувофиқ бошқариладиган харид нархларининг чегараси белгилансин. Бунда хўжаликларга белгиланадиган топшириқдаги маҳсулот 15 фоизининг ва топшириқдан ошиқча барча маҳсулотнинг нархи ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланади, яъни кўрсатилган маҳсулот ҳажмлари эркин нархларда сотилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Савдо вазирлиги, Моддий-техника таъминоти давлат кооператив қўмитаси, Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитаси ва Ўзбекбирлашувга маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмиталари билан биргаликда республика ташқарисидан олиб келинадиган товарларнинг шартномавий нархлари ҳамда озиқ-овқат ва ашёвий товарларнинг чекланган чакана нархлари ўртасидаги тафовутни 1, 2-иловаларга мувофиқ кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда ҳал қилиш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ўн кун муддат ичида давлат нархлар қўмитаси билан биргаликда умумий овқатланиш корхоналари учун устама нархларнинг чекланган даражаларини ишлаб чиқсинлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари эса уларни тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига нархларни таҳлил қилиш асосида ўзининг яккаҳукмронлик ҳолатидан фойдаланувчи ва нархларни асосланмаган ҳолда оширишга йўл қўювчи корхоналарни шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни қўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳамда уларнинг маҳсулотларига нархларнинг чекланган даражаларини жорий этишга рухсат берилсин.

7. Концернларга, бирлашмаларга, корхоналар ва хўжаликларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида зарурият бўлганда ўз маблағлари ҳисобидан, энг аввало ўз ходимлари ва хизматчилари учун қуйидагича компенсациялар ажратиш ҳисобига нархларнинг чекланган даражаларини камайтириш имкониятларини қидириб топиш тавсия қилинсин:

умумий овқатланиш корхоналари маҳсулотларига (мактаб, студентлар, ишчилар ошхоналари ва бошқалар);

транспорт, маиший коммунал ва бошқа хизмат турларига.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 10 кун муддат ичида мактаб ошхоналари ва буфетларида овқатланиш қийматининг бир қисмини қоплаш тартибини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг овқатланиш қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 4 апрелдаги 87-сон қарорида кўзда тутилган компенсация миқдори 2 баравар оширилсин.

9. Концернлар, корхоналар ва ташкилотлар (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ва истеъмол товарларининг қолдиқларини қайта баҳоласинлар, ошириб баҳоланган сумма миқдорининг 50 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун республика бюджетига ва 50 фоизи ўзининг оборот маблағларини тўлдиришга ўтказилсин.

10. Калиш ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекрезинотехника» бирлашмасига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 15 фоизини тузилган шартномалар бўйича валютага сотишга рухсат берилсин.

11. Аҳолининг айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 апрелдаги 82-сон, 1991 йил 12 апрелдаги 97-сон, 1991 йил 22 майдаги 140-сон қарорлари билан белгиланган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоблари бўйича 1992 йилги бюджетда аҳолига айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий молларни белгиланган норма бўйича сотишдан, шаҳар автомобиль ва шаҳар электр транспортида йўловчилар ташиш, шунингдек, иссиқлик таъминоти ва квартира хизматларидан дотацияларни назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси ўн кун муддат ичида ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотга, халқ истеъмоли товарлари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархларни қўлланиш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом ишлаб чиқсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси, Давлат солиқ хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси халқ истеъмоли товарлари, ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ва хизматлар учун нарх интизомига риоя қилиш устидан назоратни кучайтирсинлар.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Раёсининг ўринбосарлари — комплексларнинг раҳбарларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсининг биринчи ўринбосари
И. ЖУРАБЕКОВ.

1-ИЛОВА

БЕЛГИЛАНГАН БЕРИШ НОРМАЛАРИ БЎЙИЧА АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Номи	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик учун чакана нархи, (ўртача) сўм ва тийин ҳисобида
Оқ, қора, жавдар буханка нонлар*	кг	1—20
Ун	кг	1—80
Макарон	кг	3—00
Гуруч	кг	5—00
Ўсимлик ёғи	кг	5—00
Чой	кг	30—00
Қанд-шакар	кг	8—00
Тухум	10 дона	5—00
Барча турдаги гўшт	кг	30—00
Сут (қаймоғи олинмаган)*	л	1—50
Қаймоқ (ёғлилиги 25%)*	кг	18—00
«Русская» арағи	0,5 л	35—00
Кир совун	дона	1—00

*) Нон, сут ва қаймоқ учун уларни қанчадан бериш нормаси белгиланмайди.

2-ИЛОВА

БЕЛГИЛАНГАН БЕРИШ НОРМАЛАРИ БЎЙИЧА АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ ЧАКАНА НАРХЛАРИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Номи	Баравар коэффициентларда
Ип-газлама матолар:	
бўз	2,7
оқартирилган чит, маль-маль, мадаполам (оқ сурп)	2,7
дока	3,5
Чақалоқлар учун комплект	1,8
12 ёшгача бўлган болалар учун товарлар	
Ўғил болалар кўйлаклари, шимлари	1,9
Қизлар кўйлаги	1,9
Пойабзал	3,6
Пайпоқ маҳсулотлари, колготкалар	2,5
Калиш*	
Кўмир**)	3
Бензин**)	5

*) бир жуфт калиш учун — 40 сўм.
**) нормаланмайдиган товарлар

3-ИЛОВА

АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ХИЗМАТЛАР ТАРИФЛАРИ ДАРАЖАСИ ЎЗГАРИШИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	Коэффициент
Аҳоли эҳтиёжи учун бериладиган электр энергияси	*)
Ҳаво транспортида ташиш тарифлари	4,7
Темир йўл транспортида ташиш тарифлари	3,9
Шаҳар транспортида йўловчиларни ташиш тарифлари	2,0
Енгил таксомоторда ташиш тарифлари	4,0
Маршрутли таксомотор автобуслари билан йўловчиларни ташиш тарифлари	5,0
Шаҳарлараро автобус маршрутларида йўловчиларни ташиш тарифлари	2,9
Хизмат енгил автомобиллари учун тарифлар	2,4
Шаҳар электр транспортида йўловчиларни ташиш тарифлари:	
метро, трамвай, троллейбус	2,0
Марказий иситиш	2,0
Иссиқ сув билан таъминлаш	2,0
Квартира ҳақи	1,5
Канализация хизматлари	2,0
Водопровод хизматлари	2,0
Алоқа хизматлари, ўртача	3,6
Транспорт-экспедиция хизматлари	4,3
Аҳоли буюртмаси бўйича ремонт-қурилиш ишлари	3,9

*) Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли эҳтиёжлари учун бериладиган электр энергиясига бир квт-соат учун тегишинча 4 тийин ва 2 тийин ўрнига 8 тийин миқдорида тариф белгиланди.

4-ИЛОВА

ЭНГ МУҲИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	1 тоннасига сўм ҳисобида (ўртача)
Бошоқли дон	1200
Маккажўхори дони	1000
Гуруч	2000
Қорамол, от ва туя	15300
Чўчқа	15600
Қўй ва эчкилар	11700
Парранда	20100
Базис ёғлилиги 3,6 фоиз бўлган сут	1850
Тухум (1 минг донаси учун)	580

ИЗОҲ: ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жами ҳаражатлардан келиб чиқиб, мол ёғи етиштирувчилар учун унинг энг юқори улгуржи нархи ҳар килограммига 50 сўмгача қилиб белгилансин.

ҲАМДУСТЛИКНИНГ АЙРИМ ДАВЛАТЛАРИДА АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИ

Номи	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон ўрта ҳисобда	Россия	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркманистонда ўрта ҳисобда
Қолипда пиширилган нон ўрта ҳисобда	сўм/кг	1,20	олий нави — эркин, I—II навлари — 1,35—2,90	1,80—2,80	3,30—4,10	1,60—2,90	1,50
Ун	—	1,80	эркин	2,50	4,50	о/н—эркин, I-II н-2,50—2,80	о/н—эркин 1н—2,00
Макаронлар	—	3,00	эркин	эркин	эркин	эркин	эркин
Гуруч	—	5,00	эркин	эркин	эркин	эркин	6,00
Ўсимлик мойи	—	5,00	8,40—9,00	8,40	эркин	8,40—10,20	5,60
Чой	—	30,00	эркин	эркин	эркин	эркин	30,00
Қанд-шакар	—	8,00	7,70	7,70	7,70	7,00	8,80
Тухум	сўм/ўнтаси	5,00	эркин	эркин	эркин	эркин	эркин
Гўшт (I категорияси)	сўм/кг	30,00	эркин	эркин	эркин	мол гўшти — 50,00	30,00
						Қўй гўшти —	42,00
						чўчқа гўшти —	34,00
						от гўшти, парранда гўшти —	эркин
Сут (қаймоғи олинмаган)	сўм/литр	1,50	1,50	1,50	2,40	1,50	1,50
«Русская» арағи	сўм/шишаси	35,00	40,00	41,00	60,00	40,00	42,00

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат назорати комитети таъсис этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат назорати комитети Республика бошқарув-ижроия ҳокимиятининг Олий назорат идораси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти раҳбарлигида иш олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига ҳисоб беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан беш йил муддатга тайинланади ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Айни бир шахснинг ўзи ушбу лавозимга қаторасига икки муддатдан кўпга тайинланиши мумкин эмас.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати идоралари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар ва қарорларнинг, Президентнинг фармонлари ва фармойишларининг, хўжалик қонунларининг, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилишини, давлат ва ижроия интизомига риоя этилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини текширадилар.

Давлат назорати идораларининг фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайдиган низомда белгилаб берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети тугатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг назорат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил, 13 январь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 9-моддадан «Халқ назоратини кучайтириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 46-модданинг иккинчи қисмидан «халқ назоратида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 85-модда чиқариб ташлансин.

4. 102-моддада:

8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг СССР бош прокурори билан мувофиқлаштирилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси прокурорини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетини ташкил этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитетининг раисини сайлайди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раисини тасдиқлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 107-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси халқ назорати комитети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитети» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 116-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитети» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 117-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари чиқариб ташлансин.

8. 118/4-моддада:

6-банднинг биринчи хатбошиси «Ўринбосарлари» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12-банд қуйидаги мазмунли 12 ва 13-бандлар билан алмаштирилсин:

«12) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг фаолиятини йўналтириб туради;

13) қонун ҳужжатлари билан ўз тасарруфига бериб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қилади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил, 13 январь.

АМЕРИКА КОРПОРАЦИЯЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов АҚШ «Ньюмонт майнинг корпорейшен» корпорациясининг президенти Гордон Паркер бошчилигидаги шу корпорация вакилларини 15 январь куни қабул қилди. Америкалик ишбилармонлар Ўзбекистонга амалий ташриф буюрганлар.

Бўлиб ўтган суҳбатда И. А. Каримов Америка савдо-саноат доираларининг намояндалари билан саломлашиб, Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг етакчи компаниялари ташаббусини қўллаб-қувватлаш, сармоя сарфлашлари, замонавий технологияларни жорий этишлари учун салмоқли табиий бойликлар борлигини таъкидлади. Жумладан, агар ўзаро манфаатли асосда қўшма корхона барпо этиладиган бўлса, «Ньюмонт» корпорацияси Ўзбекистон табиий бойликларидан фойдаланишда ўз техникавий имкониятларини кенг миқёсда ишга солиши мумкин. Корпорация аъзоларининг республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари билан дастлабки музокаралари натижаларидан мамнуният изҳор этилди.

Республика Президенти Ўзбекистон парламенти ҳорижий сармоядорларнинг сарфланган сармоя эвазига яхши фойда олишига имкон берувчи бир қанча қонунлар қабул қилганини уқтириб ўтди. Америка корпорацияси ҳам бундан мустасно бўлмайди. Дастлабки пайтларда қўшма корхонага жуда қулай шароит яратиб берилади.

И. А. Каримовнинг фикрича, энг муҳими — сўзсиз ишга имкони борича тезроқ ўтиш зарур. Иқтисодий қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш, Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига нормал турмуш шароитларини яратиш учун ҳозир республика ёрдамга муҳтож.

Г. Паркер дўстона изҳатикром учун миннатдорчилик билдирди. И. А. Каримов бутун халқ томонидан республика Президенти этиб сайланганлиги билан уни корпорация вакиллари номидан табриклади. Шу воқеа муносабати билан у Колорадо штати губернаторининг табрикномасини ва шу штатга бориш ҳақидаги таклифномани топширди. Г. Паркернинг ўзи ҳам Президентни Вашингтонга боришга таклиф қилди. Корпорация бошлиғи Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришда ҳамкор бўлиш имкониятидан мамнуният изҳор этди.

И. А. Каримов қутлов ва АҚШга бориш ҳақидаги таклифнома учун ташаккур айтди. У ўзбекистонлик мутахассисларни келгусида қўшма корхонада ишлаш учун корпорация фирмаларида ўқитиб-ўргатишни ташкил этиш ҳақида таклиф киритди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. С. Ҳамидов, К. Ж. Ҳаққулов, Давлат ташқи савдо ва иқтисодий алоқа комитетининг раиси Ў. Т. Султонов, Давлат геология комитетининг раиси Т. Шоёқубов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Тошкент перфоратори жаҳон миқёсида рақобат қила олади — мутахассислар Тошкентдаги «Геологоразведка» тажриба-синов заводининг янги маҳсулотига шундай баҳо бердилар.

Бундай перфораторлардан нефть ва газ конларини қидиришда ва ёқилғининг ана шу турларини қазиб олишда фойдаланилади. Уларнинг вазифаси қудуққа туширилган қувурларни тешиш ва бу йўл билан нефть ҳамда газнинг юқорига чиқиши учун йўл очишдан иборат. Аввалги перфораторлар бундай операциядан сўнг ўз-ўзидан бузилиб, қудуқни ифлослантирарди. Энди ана шу нохуш жараён бартараф қилинди. «Геологоразведка» заводи ишлаб чиқарган перфоратор бир «зарб» уришда ўзида мингта тешик очади, лекин қудуқни ифлослантирмайди.

Ёпишқоқ ва оғир қоришмалар билан тўлган қудуқларда мазкур перфоратор жуда яхши ишлайди. Бу унинг афзалликларидан ҳисобланади.

(ЎзТАГ мухбири).

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА

КАТТА АРИҚДА

БИЗ илгарилари қишлоқ хонадони деганда файзли ҳовли, бостирма тагида кавш қайтариб ётган говмуш, томорқада ғарқ пишган мевачева, хуллас, тўкинчиликни тушунардик. Эллигинчи йилларнинг охири ва олтмишинчи йилларнинг бошларида Тошкент шаҳри ёнбошидаги Қаъни мавзесида яшаган бир танишим шундай ҳикоя қилади.

— Ҳали-ҳали ўзим катта бўлган қишлоқни ҳам фахр, ҳам ўкинч билан эслайман. Эллик сотихга яқин боғимиз бўларди. У ерга олмадан тортиб, эрта пишар анжиргача эккандик. Иккита сигир, бузоқ, қўйлар... Ўсмирлик чоғимиз шундай ўтди. Лекин бахтга қарши у жойлар бузилди. Бизга боғимиз эвазига беш сотих ер участкаси ажратилди. Ўша пайтда онамларнинг: «Ахир бу ҳовли боғимиздаги ҳовузнинг саҳнига ҳам тенг келмайдику,— дея йиғлаганлари ёдимда.

Ушбу мунгли ҳикояни тинглар эканман, бундай дилтанг, лекин дилидаги азобни қалбининг тубида сақлаб келаётган кишилар орамизда анчагина эканлигига имон келтирдим. Узоқ йиллар собиқ раҳбарларимиз «коммунизм қурамиз» шиори остида қанчадан-қанча «калтабин» қарорлар қабул қилганликлари, жойлардаги бу ишга мутасадди раҳбарлар «юқори»нинг буйруғи дея қўл қовуштириб, қанчалик зир югурганликлари ҳаммамизга аён. Охир оқибатда кишилар қўлидаги боғлар бузиб ташланди. Чорва моли тортиб олинди. 60-йиллар бошларида аҳолидаги моллар йиғиб кетилаётганда баъзи ёш ғўдакларнинг сигирларининг думига осилиб йиғлаганликларини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Фақат бугина эмас, пахта яккаҳокимлиги даврида кўпгина яйловлар ҳам ҳайдалди, то уй остонасигача пахта экилди. Мана шундай йўл қўйилган қусурлар эвазига қишлоқ аҳли инқирозга юз тутди. Натижада шаҳарликлар далага эмас, аксинча, қишлоқдагилар шаҳарга тўрхалта кўтариб қатнайдиган бўлишди.

Мана шу ҳолатга барҳам бериш мақсадида республикамиз Президенти жамоа чорвачилигини ривожлантириш ҳамда колхозчиларга томорқа бериш ҳақида қатор фармонлар чиқарди. Чунки шундай йўл тутилсагина қишлоқларимиздаги илгариги тўкинчиликни тиклаш мумкин эди.

Жойларда Президентнинг ушбу фармонлари қандай бажарилаётганлиги билан танишиш мақсадида Пискент районида бўлдик.

— 602 гектар майдонни томорқа учун районимиз аҳлига бўлиб бердик,— дейди биз билан суҳбатда Пискент район агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси Саидаҳмад Тулепов,—шу билан бирга аҳолига қорамол, парранда ҳам тарқатяпмиз. Ўтган йили аҳолига 514 бош қорамол, 1080 бош қўй, 13 минг 450 та парранда сотилди. Мақсад мўл-кўлчиликка эришиш. Томорқаларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эса деҳқонларимиз Олмалиқ, Ангрен, Тошкент шаҳарларида сотишмоқда. Шу билан бирга биз имконият даражасида аҳолини хашак билан ҳам таъминлаб турибмиз. Шу мақсадда ўтган йили 618 тонна хашак, 2847 тонна кўк масса, 2085 тонна силос, 260 тонна дағал хашак ва сомон тарқатилди. Бу етарли эмас, албатта. Омухта ем, шелухадан қийналаяпмиз. Лекин мақсадимиз аниқ. Аҳоли чорвасини ем-хашак билан таъминлашни яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки қишлоқ шароитида ҳар бир хонадон ўзига мўъжазгина оғилхона қуриб олиши қийин эмас. Ишчи кучи етарли.

— Саидаҳмад ака, сиз шахсий чорвани ҳамда томорқани ривожлантириш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирдингиз. Унинг самараси қандай бўлаяпти?

— Ўтган йили аҳолидан 722 тонна сут, 16 тонна гўшт сотиб олдик. Бу эзгу ишнинг бошланиши холос. Шу ўринда бир муаммо ҳам бор. Биз аҳолидан молнинг тирик вазнини (килограмм ҳисобида) 6 сўм 47 тийиндан сотиб оламиз. Сутнинг литрига эса 50—55 тийиндан ҳақ тўлаймиз. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, аҳоли бугунги кунда бундай нархда бизга маҳсулот топширишдан манфаатдор эмас. Чунки бозорда бир килограмм гўштнинг баҳоси 35—40 сўм, сутнинг литри эса 2 сўм. Агар шу маҳсулотларнинг харид нархи оширилса айни муддао бўларди.

Ҳа, ҳозир мол боқишга одамларда иштиёқ баланд. Лекин озуқанинг етишмаслиги ишнинг белига тепяпти. Лекин баъзида омухта ем, шелуха сотувчи «олғир ҳайдовчилар» қишлоқ кўчаларини оралаб қолишади. Аммо нархи жуда баланд. Омухта емнинг килограмми 1 сўм, шелуха эса 60—80 тийин. Ўз-ўзидан маълумки, ана шу нархда озуқа олиб, мол боқкан киши иложи борича харажатни қоплаш мақсадида маҳсулотни бозорда сотишга ҳаракат қилади. Шунинг эвазига бозорда гўшт ҳамда сутнинг нархи осмонда. Бизнингча, бу ҳолга барҳам бериш учун жойлардаги раҳбарлар фақатгина жамоа ёки шўро хўжаликларининг эмас, шахсий чорва боқувчиларнинг ҳам таъминотини яхшиласалар, (албатта имконият даражасида) қишлоқларда ҳам серобгарчилик бўларди.

Биз бу ҳақда кишиларнинг фикрини билиш мақсадида «Пискент» совхозининг 2-бўлимида бўлдик. Кўпгина хонадонлардан молларнинг маъраши, ҳамда товуқларнинг қақалашини эшитиб, бироз енгил тортдик. Шундай хонадонлардан бирининг эшигини қоқдик. У ерда механизатор Ҳасанқул Эназаров оиласи истиқомат қилар экан. Хонадон соҳиби билан сўрашиб, мақсадни айтдик.

— Хрушчев даврида папка кўтарган киши дарвозани тақиллатса, сигир—бузоқни яширишга тушардик. Чунки солиқ солинар эди-да. Энди эса раҳбарларимиз мол боқинглар, ер экинглар дейишяпти. Бунинг учун уларга катта раҳмат. Мана, ўтган йили 15 сотих томорқа олган эдим. Шу ердан яхшигина ерёнғоқ ҳосили олдик. Даромади 3 минг сўм бўлди. Ҳарнада, бола-чақа бекор юрмайди.

— Болаларни қийнаб қўймаяпсизми ишқилиб...

— Қайси ота-она пул учун ўз фарзандини оғир ишга солади. Лекин бўлса бордир. Ундайлар ҳам бўлса мингтанинг ичидан бир киши топилади. Бизда эса болалар эгатдаги ўтни юлишади, ҳосилни теришади. Мени хурсанд қилган нарса, ёз пайтларида ўқишдан бўшаб, бекор юришмайди.

Шу орада атрофимизга кишилар йиғила бошлашди. Биз уларнинг ҳам фикрларини билишга қизиқдик.

Шомурод Раимқулов — Механизатор. Мана шу совхознинг 2-бўлимида 465 гектар майдон бор. Ҳаммасига пахта экилади. Шунинг учун ҳам бизлар шахсий чорвамизни асосан ариқ четларига мутасадди раҳбарлар «юқори»нинг буйруғи дея қўл қовуштириб, қанчалик зир югурганликлари ҳаммамизга аён. Охир оқибатда кишилар қўлидаги боғлар бузиб ташланди. Чорва моли тортиб олинди. 60-йиллар бошларида аҳолидаги моллар йиғиб кетилаётганда баъзи ёш ғўдакларнинг сигирларининг думига осилиб йиғлаганликларини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Фақат бугина эмас, пахта яккаҳокимлиги даврида кўпгина яйловлар ҳам ҳайдалди, то уй остонасигача пахта экилди. Мана шундай йўл қўйилган қусурлар эвазига қишлоқ аҳли инқирозга юз тутди. Натижада шаҳарликлар далага эмас, аксинча, қишлоқдагилар шаҳарга тўрхалта кўтариб қатнайдиган бўлишди.

Мана шу ҳолатга барҳам бериш мақсадида республикамиз Президенти жамоа чорвачилигини ривожлантириш ҳамда колхозчиларга томорқа бериш ҳақида қатор фармонлар чиқарди. Чунки шундай йўл тутилсагина қишлоқларимиздаги илгариги тўкинчиликни тиклаш мумкин эди.

Жойларда Президентнинг ушбу фармонлари қандай бажарилаётганлиги билан танишиш мақсадида Пискент районида бўлдик.

СУВ БЎЛСА...

Колхозчиларнинг гапларини тинглар экан «Пискент» совхози касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Холмурод Каримов қўшиб қўйди:

— Биз бунга ҳаракат қилаяпмиз. Кейинги пайтда шахсий чорвани ривожлантириш яхши натижа бераяпти. Бошланишида улар ўзларини, кейинчалик эса бошқаларни ҳам таъминлаш имкониятига эга бўладилар. Шу мақсадда 1991 йили 289 та қорамол, 257 та қўй ва 6 мингга яқин паррандани деҳқонларга тарқатдик. Шунга яраша хашак, кўк масса ҳам ажратдик. Аммо бир масалани ҳаммамиз тушуниб етишимиз лозим. Аҳолига 120 гектар майдон бўлиб берилган бўлса, бир қарич ер ҳам бекор қолиши керак эмас. Чунки ер бебаҳо неъматимиздир.

Ҳа, катта ариқда сув бўлса, кичигида ҳам бўлади, дейди доно халқимиз. Баъзан юқори идораларнинг ҳисоботларини ўқир эканмиз, аҳоли озиқ-овқат таъминотини яхшилаш керак дейилган иборага дуч келамиз. Лекин таги серобми, ёки йўқми бу ҳақда кам ўйлаймиз. Бизнингча, шу катта ариқни тўлдирадиган асосий манбалардан бири бу, кишиларнинг шахсий усулда етиштираётган маҳсулотларидир. Тўғри, жойларда бу соҳани ривожлантириш учун ҳаракат бошланди. Ишонамизки, бу ўзининг самарасини албатта беради. Фақатгина юқоридаги айрим муаммолар бартараф этилиши керак. Биз бунга Пискент районида бўлганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• *Акс-садо*

ДАРСЛИКЛАР СОТУВГА ЧИҚАДИМИ?

«Тошкент ҳақиқати»нинг 1992 йил 4 январь сонида чоп этилган «Маънавиятимиз бутун, эътиқодимиз устивор бўлсин!» номли мақолани ўқиб, қалбимга оғриқ бўлиб ботаётган муаммолар кўтарилганлигидан севиндим. Ва қуйида эса мактаблардаги кутубхоналарнинг аянчли аҳволи, очилмай қолган айрим муаммолар ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларимни баён этишни лозим топдим.

Мактаб кутубхоналарига берилаётган китоблар, айниқса, эртак, ҳикоя ва бошқа китоблар етишмайди. Бор китобларнинг кўпи талаб даражасида эмас. Эртак китобларига келсак, масалан, ўзбек халқ эртакларидан «Булбулигўё» китобидаги эртаклар сони 51 та. Агар 2 та эртакни битта кичкина китобча қилиб чиқарилса, болалар ўртасида китоб айланиши яхши йўлга қўйиларди. Шунингдек бир китоб ўрнига 25 та китобча бўларди. Бир нафар китобхон ўрнига эса, йигирма беш китобхон китоб билан таъминланар эди. Кутубхонадаги китоблар, айниқса, 1—3 синф учун чиқарилган китобларнинг ҳажми катта, ҳатто ўқувчининг сумкасига сиғмайди, шу билан бирга «Илон пари», «Сеҳрли қиз» каби қатор эртак китобларининг муқоваси ҳам талабга жавоб бермайди. Ҳарфлари ҳам майда. Бундай китобни ўқувчи ўн кунда ҳам ўқий олмайди.

Болалар билан ишлашда кўпгина мактаб кутубхоналарида шароит етишмайди. Ноҳия маданият бўлимига қарашли кутубхона тармоқлари 1979—81 йилларда марказлашди. Мактаб кутубхоналари эса ҳали ҳам тарқоқ ҳолда.

Формулярлар етишмайди. Неча йиллар давомида кераксиз китоблар билан тўлдирилган кутубхоналар китобхон сонининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Болалар учун фақат китобнинг ўзи кифоя эмас. Кадрлар масаласига келсак, мактаблар учун кутубхоначилар алоҳида тайёрланса. Ахир, ноҳияда 60 та кутубхона тармоғи бўлса, мактаблар сони эса 70 дан ортиқ. Ҳар бир мактабда ярим, бир ярим, икки ўринли кутубхоначи штатлари мавжуд.

Яна бир масалада тўхталсам. 1977 йилдан бошлаб ўқувчиларни китоб [ўқув дастурлари] билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Бироқ бу хайрли иш тескари натижа бермоқда, болаларни китобдан, мактабдан совушларига сабаб бўлмоқда. Чунки 1-синфга қадам қўйган ўқувчининг қўлига эски, йиртиқ, ямалган китоб берилиши ниҳоятда нохуш аҳвол. Дарслик китоблар сотувга чиқарилсаю, дарсликлар учун ажратилган маблағни эса кутубхоналарга бадиий адабиётлар олиш учун сарфланса. Бадиий ва услубиятга оид китобларни ўз буюртмамиз асосида олсак. Шукрлар бўлсинки, бугун яна ўзлигимизга қайтмоқдамиз. Фарзандларимиз камолини ўйлайдиган, уларнинг кўнгилларига аждодларимиз ўгитларини сингдирадиган вақт келди.

Муҳаббат ҲАЙДАРОВА,
Урта Чирчиқ ноҳияси, Н. Крупская номли 3-мактаб кутубхоначиси.

МУРУВВАТ—ШАФҚАТИНГИЗ

ТЎРТ ЙИЛДИРКИ, ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ОЛИЙГОҲИНИНГ ТАЛАБАЛАР КАСАБА УЮШМАСИ ПОЙТАХТНИНГ КИРОВ РАЙОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 4-ШИФОХОНАГА ОТАЛИҚ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДАЛАР.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Амнибой Сулаймонович Сулаймонов билан илгари ҳам учрашганмиз. Бундан тўрт йил аввал Тошкент педиатрия медицина олийгоҳи жамоаси муносиблар орасидан энг муносибини ректорликка сайлаганда бу заҳматкаш олим, билимдон, мутахассис, камтарин ва меҳрибон инсон, ғамхўр мураббий ҳақида биринчи бор ёзганмиз. Кейинчалик олийгоҳ моддий базасини мустаҳкамлаш бир қатор кафедралар очиш борасидаги янгиликларни, ректорнинг Японияга сафар таассуротларини ёритиш муносабати билан унинг ҳузурида бир неча бор бўлиб, олим ҳақида анча нарсаларни билиб олгандек эдик. Яқинда олийгоҳ талабалар касаба уюшмаси раиси Маҳмудхон Азизов билан бўлган мулоқотимиздан сўнг А. Сулаймоновнинг ҳали биз билмаган инсоний хислатлари кўп эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

— Оёқлари шол бўлиб қолган болаларни даволаш шифохонасини оталиққа олишнинг ташаббускори Аминбой Сулаймонович бўладилар,— дейди Маҳмудхон,— у киши бошчилигида қатор самарали ғоялар ўзининг амалий ифодасини топди. Узоқ муддатли муолажа талаб этадиган бу касалликка чалинган болаларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб туриш, уларнинг кайфиятини кўтаришда шифохона ходимларига кўмаклашиш, беморларни вақти-вақти билан моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан қилинган таклиф ҳам ана шулар жумласидандир.

Эндиликда олийгоҳ талабалар касаба уюшмаси ана шу ташаббус асосида шол бўлиб қолган болаларга меҳр-шафқат кўрсатиб келмоқда.

Жумҳуриятимизда ягона ҳисобланган бу шифохонада турли вилоятлардан келган 240 нафар бола даволанмоқда. Аксарият беморлар учун касалхона уларнинг иккинчи уйидир. Ойлар давомида улар шу ерда шифо олиб, шу жойдаги мактабда 8 синфгача ўқиб, шу ерда яшашади. Ҳар тўрт-беш ойда ота-оналари уйларига олиб кетиб ҳам турадилар. Беш-ўн кун оила бағрида бўлгач, беморлар яна шифохонага қайтадилар. Даволаш муассасасида болаларни озиқ-овқат, оёқлари учун зарур аппарат, пойафзал билан таъминлаш маромида. Йўлдош Каримовдек бош шифокор, Рима Мачина, Абдуқуддус Абдураҳмонов, Валентина Хуршидова, Олим Ҳомидовдек нажоткорлар, Сафья Никифорова, Саодат Шермуҳамедова каби силовчилар, Роза Шангараева, Фаина Муравьева, Муқаддас Зиёмова, Наргиза Мансурова, Санталат Мирсобитова, Санобар Ирматова сингари ҳамширалар улар устида парвона. Болалар бу ғамхўр ҳалоскорлардан жуда миннатдорлар.' Айни пайтда улар ҳар йили икки уч бора шинам безатилган саёҳатчи автобусларда Тошкентнинг эътиборга сазовор жойларини сайр қилдираётган, музейларга, маданият саройларида ўтадиган тадбирларга олиб бориб дам олдираётган оталиқ муассасаси— Тошкент педиатрия медицина олийгоҳи талабалар касаба уюшмаси ходимларидан, бўлажак шифокорлардан икки бора мамнун.

УЧУН РАҲМАТ

— Узоқ муддат мобайнида бир шифохонада зерикиб ётган болаларни дам олдириш бўйича аниқ режага эгамиз, — дейди М. Азизов, — сизлар иштирок этаётган бу галги тадбиримиз Тошкентдаги тўқимачилик маданият саройида ўтади.

Дарҳақиқат, ўша куни айтилган вақтда чиройли безатилган Тошкент саёҳат бюросининг ҳар томонлама қулайликлари бўлган автобуслари 4-шифохона дарвозаси олдида саф тортдилар. Олийгоҳнинг йигирма нафардан иборат талабалари бемор болаларни автобусларга ўтказишга кўмаклашдилар. Бундай манзарани кузатган киши бўлажак шифокорлар дилида чинакам инсоний туйғулар жўш ураётганлигини, улар шифокор қиладилар. Лекин оғир олмасангиз, сизлар келганингиздан фойдаланиб, шифохонамизда мавжуд бўлган бир-иккита муаммолар ҳақида ҳам гапирсам.

Бош шифокор бизга юрагини очди. Унинг айтишича, уч йилдан бери Паркент районида жойлашган «Меҳнат» ширкати шифохона ҳудудида мактаб қурилишини пайсалга солиб келаётган экан. Бу ҳақда Йўлдош Каримович район ижроия қўмитасига ҳам, прокуратурасига ҳам мурожаат этган. Лекин шу пайттача ана шу хатларга лоақал юқоридаги ташкилотлар тўрт энли бўлса ҳам жавоб ёзиб юборишни лозим кўрмаганлар. Ваҳоланки, Борис Григорьевич Безукладников бошлиқ бўлган ширкатга шифохона 30 минг сўм пул ўтказиб қўйган.

Бош шифокор касалхонани телефонлаштириш борасида Тошкент шаҳар алоқа бошқармаси эътиборсизлик қилаётгани тўғрисида ҳам куйиниб гапирди. Чиндан ҳам агар шифохона бўлимларида шаҳар телефони ўрнатилганда эди, турли вилоятлардаги ўз болаларнинг тақдирини билиш истагида юрган ота-оналарнинг орзулари ушалган бўларди. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, транспорт, поезд учун йўл ҳаққи қимматлашиб кетган бир пайтда бу муаммони ҳал этиш қанчалик аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан аён.

Учинчи муаммо ҳақида суҳбатдошимиз ийманибгина гап бошлади. Маълум бўлишича, бундан бир йил аввал Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош Бошқармасининг бошлиғи Қулахмат Тошпўлатович Ризаев билан биргаликда бош шифокор Вазирлар Маҳкамасига 120 ўринли янги шифохона қуриш тўғрисида илтимоснома юборган экан. Хуллас, ҳозир мана шу хат тақдири ҳукумат раҳбарлигининг розилиги билан республика соғлиқни сақлаш Вазирлигига боғлиқ бўлиб қолиптн. «Вазирлик ана шу хайрли ишни тезлатса деган ниятда эдим», дейди у.

Кўриниб турибдики, бу шифохонада анчагина муаммолар мавжуд. Албатта, уларни ҳал этиш учун ҳақиқий инсоний меҳр-шафқат керак. Чунки гап ногирон бўлиб қолган беморларни даволаш, айни пайтда уларни оёққа қўйиш ҳақида бормоқда. Бизнингча, номлари тилга олинган мазкур ташкилотлар ҳам ана шу беморларга Тошкент педиатрия медицина олийгоҳи жамоаси каби мурувватли, меҳрли ва саховатли бўлишлари керак. Биз ана шундай ўйлар билан шифохонадан қайтдик.

С. ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА: Шифохона ҳаётидан ва Тўқимачилик Маданият саройида ўтган тантаналардан лавҳалар.

Суратлар В. ТУРАЕВ.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТЕРГОВ ТУГАДИ

ФАВҚУЛОДДА Ҳолат Давлат Қўмитаси (ГКЧП) иши бўйича тергов бригадаси иши янги, ҳал қилувчи босқичга кирди. 14 январь куни айбланувчилар ва уларнинг ҳимоячиларига тергов тугаганлиги ва иш материаллари билан танишиш мумкинлиги тўғрисида маълум қилинди. Бу ҳақда Россия прокуратураси матбуот хизмати хабар берди. Айбланувчилар 125 жилддан иборат тергов материаллари билан танишиб чиқишлари керак. Бу бир неча ой вақтни талаб қилади. Демак, суд бўладиган бўлса у ёз ойларига белгиланади.

ГАМСАХУРДИА УСТИДАН ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

ГРУЗИЯНИНГ собиқ президенти Звиад Гамсахурдиага қарши жиноий иш қўзғатилди. Бу ҳақда республика бош прокурори Вахтанг Размадзе матбуот конференциясида маълум қилди.

ПАРОХОД — ЭНГ ҚУЛАЙ ВОСИТА

ЭРОН билан Туркия Каспий денгизининг шарқий соҳилида йирик пароход компанияси тузишда ёрдам кўрсатишни сўраб Қозоғистон республикасига таклиф билан мурожаат қилдилар. Қозоғистон республикаси Мангишлоқ ярим ороли нефтини Эроннинг қайта ишлаш заводларига жадаллик билан етказиб бериш масаласини ишлаб чиқаётган бир пайтда ана шу таклифлар тушди. Пароходчилик мустақил Қозоғистон ташқи иқтисодий фаолиятининг бу муҳим соҳасини бемалол ўз зиммасига олиши мумкин. Каспий денгизида пароходлар бутун йил давомида қатнайди, денгизда юк ташиш иқтисодий жиҳатдан энг арзон ҳисобланади.

ТАТАРИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТУЗИЛМОҚДА

ТАТАРИСТОН ўзининг Фанлар Академиясини тузишга қарор қилган эди. Бу ишда ҳозир энг муҳим босқич бошланди: академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайловлар бўлмоқда. Республика олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот олийгоҳлари, конструкторлик бюролари кўрсатган ўнлаб номзодлардан Татаристоннинг дастлабки 12 академити сайланиши керак.

ПУЛ ИСЛОҲОТИ БЎЛМАЙДИ

ҲОЗИРГИ вақтда Россия ҳукумати пул ислоҳотини ўтказишни режалаштирмаётир,— деди Россия федерацияси ҳукумати бошлиғининг ўринбосари Егор Гайдар ТАСС мухбирига.— Бу ҳақда тарқатилаётган миш-мишларга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳукумат, деб таъкидлади Егор Гайдар, мавжуд сўмни, ишлатилаётган пул тизимини сақлаб туриш ва соғломлаштириш сиёсатини олиб боради ва пул ислоҳотига йўл қўймаслик учун иложи бўлган ҳамма иқтисодий ва сиёсий чораларни кўради.

ЕЛЛАНГАН МУРАББИЯЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

БРЯНСК шаҳрида мураббиялар мактаби очилди. Бу илмий муассасада умумий таълим мактаблари юқори синф ўқувчилари, ҳунартехника билим юртлари, техникумлар ҳамда олий ўқув юртларининг талабалари шуғулланадилар. Қизлар хонадонларда болаларни тарбиялашда лозим бўладиган одоб, психология, уй табобатидан сабоқ оладилар, мусиқа, рақс тушиш, йигириш, бичиш-тикиш ишларига ўқитиладилар. Бўлажак мураббиялар ҳозироқ болаларни ўқишга, ҳунармандчиликка, мусиқага ўргатиш бўйича оилаларнинг буюртмаларини бажармоқдалар. Ота-оналар илтимосига кўра кичкинтойларни боғчалардан олишмоқда, катталар ишдан қайтгунча уларга қараб туришибди. Албатта, буларнинг ҳаммаси учун ҳақ олишмоқда.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

«СИБИРСКОЕ КОЛЬЦО»

(«СИБИР ҲАЛҚАСИ»)

НИМАЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

— БУ ҒАРБИЙ СИБИРЬ, УРАЛ, РОССИЯ ОВРУПА ҚИСМИДАГИ ЭНГ ЙИРИК БИРЖАЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН КОНСОРЦИУМДИР;

— БУ ЎРМОН РЕСУРСЛАР, НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА БОШҚА ТОВАРЛАРДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШ;

— БУ ТИЖОРАТ АХБОРОТИ РЕГИОНЛАРДАГИ АЛМАШУВИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ;

— БУ ТИЖОРАТ АХБОРОТИ РЕГИОНЛАРДАГИ БАНКЛАР ТАРМОҒИ;

— БУ БИРЖАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЯГОНА ҚОИДАЛАР БЎЙИЧА СЕЛЕКТОР ОРҚАЛИ САВДО ҚИЛИШ ДЕМАКДИР.

БАШАРТИ СИЗ ҚОНСОРЦИУМГА КИРАДИГАН БИРЖАЛАР БИЛАН

— ЎЗИНГИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ТОВАРЛАРНИ, АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ, ХОМ АШЁНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН;

— ЎЗ МАҲСУЛОТИНГИЗНИ СОТИШ УЧУН.

БЕВОСИТА БИТИМ ТУЗИШНИ ИСТАСАНГИЗ

«СИБИРСКОЕ КОЛЬЦО»

КОНСОРЦИУМИНИНГ ЯГОНА ВАКИЛИ

«Восток-Меркурий»

Тожик-Рус Савдо уйи

СИЗГА ЁРДАМ КЎРСАТАДИ!

Бизнинг манзилимиз: 734026, Душанбе шаҳри, Ломоносов кўчаси, 162.

«ВОСТОК-МЕРКУРИЙ» ТРСУ А/Жнинг кечи-кундуз ишлайдиган ахборот канали. Телефон 27-57-97 Факс (3772) 27-74-63).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ

● **АҚШ** ҳарбий ҳаво кучларининг асосий таянч нуқталаридан бири ҳисобланган Филлипс лабораторияси вакили Америка Қўшма Штатларида ядровий ёқилғи асосида ишлайдиган ракета двигателларини яратиш устида иш бошланганлигини хабар қилди. Мазкур лаборатория Нью-Мексико штатининг Альбукерк деган жойида жойлашган бўлиб, ядровий ёқилғига тааллуқли асосий тадқиқотлар ана шу ерда олиб борилади. Аэронавтика ва коснот бўшлиғини тадқиқ этиш Миллий бошқарма раҳбарларидан бири Гэри Беннетт гапларига қараганда, ядровий ёқилғи билан ишлайдиган ракета яратилиши инсоннинг 2019 йилда Миррих сайёрасига сафар қилишини яқинлаштиради.

НИКАРАГУА

● **МАМЛАКАТ** шимолида ҳамон қуролли қаршилик кўрсатишдан тийилмаган бир гуруҳ никарагуа контрасчилари аниқ бўлмаган муддат давомида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб туражаклигини эълон қилди. Ўтган сешанба куни журналистлар билан бўлган мулоқотда исёнчилар бошлиғи Хосе Анхель Моран ўз отрядлари ҳарбий операцияларни тўхтатишдан ташқари маҳаллий аҳолига, жумладан, Хинотега ва Матагальпа департаментлари деҳқонларига кофе ҳосилини йиғиб олишда ҳам кўмак бераётганлигини айтди. Ҳ. А. Моран собиқ сандиночи «командантес» Умберто Ортега мамлакат қуролли кучларига қўмондонлик қилишдан кетмагунча, менинг гуруҳим ўз қурол-яроғларини топширмайди, деб таъкидлади.

АФҒОНИСТОН

● **ЭРОННИНГ ИРНА** ахборот агентлиги Эрон ҳудудида фаолият кўрсатаётган афғон оппозицияси вакили гапларига суяниб, қуйидаги хабарни тарқатди: Афғонистон Жумҳурияти ҳукумат қўшинларига мансуб 300 нафар ҳарбий кейинги кунларда асирликка олиндилар. Улар асирликка олинмади, балки, қуролли оппозиция томонига ўз хоҳишлари билан ўтганлар, деган тахмин ҳам бор. Бундан ташқари сўнгги кунларда мужахидлар афғон армиясининг Жаузжан, Ғазна, Саманган ҳамда Бағлон вилоятларидаги 7 та мустаҳкамланган қалъасини ҳам қўлга киритдилар.

ИРОҚ

● **ЎТГАН** якшанба куни Ироқ президенти Саддам Хусайн ўзининг икки ўғлини олий нишонлардан бири бўлган «Жасорати учун» медали билан мукофотлади. «Жумҳурия исломий» Эрон рўзномаси мухбири Азваз шаҳридан хабар қилиб, юқоридаги ахборотни берди. Унинг таъкидлашича, Ироқ ҳукмдорининг катта ўғли Удей, кичик ўғли Кусей Форс кўрфазидаги уруш даврида ҳамда ўтган йили кузда Бағдод тузумига қарши кўтарилган қуролли исённи бостиришда «жасорат» кўрсатганликлари учун шундай мартабага нойил бўлдилар. Саддам Хусайн, шунингдек, Ироқ армиясининг қатор зобитларига ҳамда баъзи бир вилоят ҳокимларига ҳам олий мукофотлар топширди.

ХИТОЙ

● **ХИТОЙДА** машҳур бўлган ядровий қурол мутахассисларидан бири Хуа Тяньцянь, мана уч ой бўлдики, дом-дараксиз йўқолди. Маъмурлар уни «тарозгўй чет эл кучлари» ўғирлаб кетган бўлиши мумкин, деб тахмин қилмоқдалар. Бу ҳақда хабар босиб чиқарган Гонконгнинг «Мингбао» рўзномаси Хитой ҳукумати доираларида бу воқеадан анча ташвишга тушилаётганлигини таъкидлади. Гап шундаки, Хуа Тяньцянь Шанхай ядро тадқиқотлари илмгоҳи ахборот департаменти директори вазифасида ишлаган. У ХХЖнинг ядровий дастурига тааллуқли жуда кўп маҳфий маълумотлардан бохабардир.

ФРАНЦИЯ

● **КУНИ** кеча Париж ветеринария миллий мактаби талабалари ҳамда ўқитувчилари ғайритабиий намойиш ўтказдилар. Улар ўз ўқув юртларини марказдан жуда узоқ бўлган вилоятга кўчирилишига қарши чиқдилар. Намойиш ғайритабиийлиги шунда бўлдики, талабалар ва ўқитувчилар намойишга ўзлари қўлостида бўлган итлар, мушуклар ҳамда сигирларни ҳам олиб чиқдилар. Намойиш ҳаракати давомида бетиним вовуллашлар, мнёвлашлар, маъраш-лар баралла эшитилиб турди. Намойиш иштирокчилари 30 километрлик масофани босиб ўтдилар. Намойиш ўтказилишига аввал рухсат берган полиция, барибир чидаб туролмади. Ҳайвонларнинг 150 соҳиби қўлга олинди.

СОМАЛИ

● **АХБОРОТ** воситаларининг хабар беришича, Сомали пойтахти — Могадишода кейинги кунларда қуролли тўқнашувлар жуда авжига чиқди. Хабарларда таъкидланишича, муҳолифликда бўлган икки гуруҳдан ташқари бошқа қуролланган гуруҳлар ҳам қуролли можарога аралаша бошладилар. Яқинда Мурасоде қабиласи раҳбарларидан бири тўпладан ўтказилган отишма даврида тасодифий равишда ҳалок бўлгач, мурасоделар ўзларининг қуролли аралашувларини фаоллаштирдилар. Улар мамлакатни бошқариб турган асосий икки гуруҳдан бирининг раҳбари генерал Муҳаммад Фаррах Айдидга қарши чиқдилар. Могадишо жанубий ҳудудлари устидан назорат ўрнатиб турган М. Ф. Айдид Сомали Бирлашган конгресси ҳаракатининг раҳбаридир. Мурасоделар М. Ф. Айдид ўтказаётган кундалик снёсатдан қатъий норози эканликларини билдирдилар.



● «Ю. Эс. Ньюс энд Уорлд рипорт» ойномасида чоп этилган мақолага қараганда, АҚШ олий ўқув юртлари ўз бошидан оғир кунларни кечирмоқда. Олийгоҳлар муваффақиятли фаолият кўрсатиши тобора қийинлашмоқда. Сарф-ҳаражатлар кўпаймоқда, даромад эса камаймоқда. Асримизнинг 70—80-йилларида янги-янги билим даргоҳлари очилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони қисқариб бормоқда. Сўнгги йил давомида 6 та коллеж ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

СУРАТДА: Огайо штатидаги «Марнеттан» коллежи тиббиёт куллиётининг биология ўқитувчиси Стивен Спиватро қисқартиришдан «омон қолган» ўқитувчилардан биридир.

ТАСС суратн.

● Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков ҳузурида

МЕҲРНИ ЎЛЧАБ БЎЛУРМИ?..

Лазиз Пўлатович ҚАЮМОВ, филология фанлари доктори, ТошДД профессори:— Ўлмас Умарбеков ўзбек ҳикоячилигига ўз тенгқурларининг ҳис-туйғуларини, ҳаёт муаммоларини олиб кирган ва ёрқин образларда акс эттирган адибдир. Кейинроқ бу мавзулар йирик насрий ва саҳна асарларига кўчди. Тасвирнинг ҳажми ҳам, фалсафий мазмуни ҳам чуқурлашди. Унинг ҳар бир драмасида ўзбекнинг феъл-атворидаги энг яхши фазилатлар саҳнага олиб чиқилди. Ахир «қиёмат қарз» деган иборанинг ўзи ҳам, тушунчанинг ўзи ҳам ғоят ўзбекона-ку! Инсоннинг ҳақи виждонли одамлар учун «қиёмат қарз бўлиб қолади», деган фикр бу асарда дадил айтилган бир пайтда кўпчиликнинг динга муносабати ҳали бошқача эди. Ў. Умарбеков ижодида бунга ўхшаш фазилат ва ютуқлар кўп.

Ҳар бир ижодкорнинг фаолиятига энг аввало халқ одил баҳо беради. Шу маънода Ўлмаснинг асарлари ўзбек ўқувчисига маъқул бўлди. Ғоялари эл онгига сингиб кетди, асарлари жилд-жилд бўлиб нашр қилинди. Китоблари русча ва бошқа тилларга таржима қилиниб жаҳон миқёсига чиқди. Бундан ташқари унинг сценарийси асосида суратга олинган фильмлар сарҳадимиз ташқарисида ҳам шуҳрат топди. Демак, уни халқ қабул қилди, ўз ёзувчим деб билди. Президентимиз Фармони эса ана шу тасдиқнинг бир ҳужжатидир. Шу боисдан мен Ўлмас Умарбеков асарлари дўкон пештахтаси ва китоб жавонларида чанг босиб ётадиган ёзувчилар тоифасига кирмайди, деб ҳисоблайман.

Мен уни дорилфунун талабаси давридан биламан. У кўзимиз ўнгида яхши журналист, истеъдодли адиб ва моҳир ташкилотчи бўлиб шаклланди. Киностудияда директор бўлганида кўпгина миллий фильмлар дунёга келди. У вазирлик қилганида маданиятимиз ривож топди. Ёзувчилар уюшмасига бошчилик қилганида ҳаммамизнинг «бошимизни қовуштирди». Ҳукумат раҳбариятида ишлаган пайтида одамларга қўлидан келганича яхшилик қилди.

Ўлмас Умарбеков раҳбарлик қилган пайтда, назаримда, ёзувчилар бир-бирларига дардмандроқ эдилар, тўйларимиз, баъзан бошга тушган кулфатларимизни ҳамжиҳатликда ўтказардик. Энди ана шу ўзбекона қадриятларимизни йўқотиб қўймасак, деб чўчияпман.

Худога шукур, дўхтирларга раҳматки, дардига даво беришди. Ҳозир яна сафимизда. Одам қандай дардга дучор бўлишини ҳеч қачон билмайди, шунинг учун ҳам тавба деб гапириш керак. Ўлмаснинг рафиқаси Зуҳрахон куллиётимизнинг энг кўҳлик қизларидан бири, Ўлмас ҳам кўркам йигит эди. Уларнинг меҳр-муҳаббатлари асосида бунёд бўлган оила ҳаётнинг ҳамма роҳатлари ва машаққатларини ҳам бирга енга билди. Шунинг учун адибнинг дардига малҳам бўлаётганлар — азиз рафиқаю лазиз фарзанд. Мен уларнинг ҳаммаларига сабр-тоқат ва омад тилайман.

Нуриддин Акромович МУҲИДДИНОВ, фирқа, уруш ва меҳнат фахрийси:— Ўлмас Умарбековни энг аввало, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлганлиги билан чин юракдан табриклайман. Аминманки, бундан унинг ҳамма мухлислари, ёр-биродарлари бениҳоя хурсанд бўлишди. Ўлмасжон менга қараганда анча ёш. Мен унинг икки даврини кўрдим. Гап шундаки, иш юзасидан 1957 йилдан бошлаб Москвада, кейин эса чет элларда бўлдим. 29 йилдан сўнг, яъни 1986 йили Ўзбекистонга қайтиб келдим. Эл-юртимиз, ошно-оғайниларни кўриб, ўзимда йўқ хурсанд бўлдим.

Ўлмасжонни дорилфунунни «аъло» даражада тамомлаб, қўлига қалам олиб ёза бошлаганидан буён биламан. Ўша йиллар «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи», «Ленин учқуни» рўзномаларида чиққан ҳикояларини ўқиб, мен бу йигитнинг қобилиятлилигини келгуси порлоқлигини, катта ёзувчи бўлишини сезгандим.

Москва ва чет элларда яшаганимизда Ўлмасжоннинг бошқа асарларини ўқиш имкониятим бўлмади. 1972 йилда бўлса керак, Ҳиндистон, Покистон ва чет элдаги сафардан қайта туриб, Тошкентда йўл-йўлакай икки кун тўхталдим. Отаона, кўни-қўшниларни кўриш билан бир қаторда ўша кездаги Марказқўм раҳбарлари билан салом-алик қилиб, пастга тушаётганимда Ўлмасжонни кўриб қолдим. Марказқўмда у йўриқчи бўлиб ишлаётган экан. Қуюқ салом-аликдан сўнг мафкура, адабиёт, санъат ва маданият соҳасидаги фаолиятини мухтасар айтиб бердилар. Эшитиб хурсанд бўлдим. Хоналаридан чиқиш пайтида менга у китоблардан берди. Уларни ўзим билан олиб кетиб, ҳорижда хурсандчилик билан ўқидим. Бошқа бир кўзга кўринган маданият арбоби орқали Ўлмаснинг ўзбек ва русча нашрдаги бир неча қисса, ҳикоялари ва «Олтин юлдуз» каби Болгария ҳаётига бағишланган китоблари билан ҳам танишдим.

1986 йилда менга илтимосимга биноан енгилроқ иш беришди. Оқибатда Ўлмас билан бирга тез-тез кўришишга муяссар бўлдик. У киши 1987 йили маданият вазири, 1989 йили эса Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг муовини бўлди. Мен эса Ўзбекистон Маданият ва тарихий ёдгорликлар жамиятида иш бошлагандим. Ўлмасжон бу соҳага бевосита масъул эди. Мана шу иш жараёнида эл-юртимиз ўртасида катта ҳурматга сазовор ёзувчи айни пайтда қандай давлат арбоби бўлиб етишганини ҳам кўрдим. Мисол учун 1987 йили биз жамиятнинг катта йиғилишини ўтказдик. Бошқа жумҳуриятлардан меҳмонлар ҳам келди. Анжуман тамом бўлиши билан Марказқўм раҳбарияти меҳмонларни қабул қилди. Шунда менинг қисқа ахборотимдан сўнг Ўлмасжонга сўз берилди. Раислик қилаётган унга қараб: «Жамиятга қандай претензияларингиз бор?»— деди. Ўлмасжон: «Ҳеч қандай даъвоим йўқ, бирга иш бажарямиз», деди. Йиғилиш раиси ўзининг тўмтоқ ва қўпол саволига олган жавобидан ўсал бўлиб индамай ўтириб қолди. Ўлмасжон яхши гаплар қилиб, жамият ҳамда меҳмонларга сиҳат-саломатлик тилади. Мана, сизга икки раҳбарнинг фарқи-ю, одоби ва маданияти!

Иккинчи мисол: марҳум актёр Шукур Бурҳоновнинг ўғли Шавкат менга куёв бўлади, қизим Саидахонга уйланганди. Улар билан Москвада бирга яшадик. Минг афсуски, энди академиядан таътилга келиб, Чимён тоғларига чиққанида оёғини ёрдирди, кўп қон кетиб, қон икки-уч кунда заҳарланди. Дарҳол Москвада ойиси Шакархон, онаси Шодия билан бутун чораларни кўрдик. Энг катта врачларга, имконият борича, мурожаат этдик. Бола бечоранинг умри қисқа экан. Ундан икки фарзанд — Шоҳруҳ ва Шаҳзод қолди. Тошкентга қайтиб келганимизда кейин «Шавкатдан ёдгор» деб биз Шоҳруҳни, Шаҳзодни эса Шакар опа ўз тарбиясига олди. Шаҳзоднинг қобилиятини сезган Шакархон опа Ўлмасжон билан суҳбатлашди, кейин вазирнинг ўзи шахсан унинг қобилияти ва тарбиясидан хабар олиб турди. Мана, сизга олижаноблик ва меҳр-муҳаббат!

Ўлмасжоннинг асарларини хориждан қайтиб ҳам ўқидим. Ёзувчимиз ширин тили, қалами ўткирлиги билан ажралиб туради. Унинг кўпгина асарлари болалар ва ёшлар ҳаётига бағишланган. Ўлмасжоннинг Булғорияга бағишланган асарларини ҳам кўпчилик севиб ўқийди. Ёзувчи китоблари Америка, Чехословакия, Туркия, Ангола, Мўғулистон, Польша сингари мамлакатларда чоп этилган. Унинг қатор асарлари асосида спектакллар ва кинофильмлар яратилган.

Адибнинг яна бир фазилати — чарчашни билмай ижод қилади, меҳнат қилиб роҳатланади. Фурсатдан фойдаланиб, мен унга чин қалбдан порлоқ ҳаёт тилайман. Ўлмасжон, укам, омон бўлинг, ижодингиз ҳам самарали ва мазмунли бўлсин!

Собир МИРВАЛИЕВ, адабиётшунос, филология фанлари доктори:— Бундай истеъдодлар ҳеч қачон осмондан тушмайди, бирор кимса ҳам уни инъом этмайди, кексалар кўпинча худо берган, юқтирган дейишади. Аммо ана шу нодир қобилият тинимсиз меҳнат, изланиш ўрганиш ҳисобига шаклланади ва камол топади. Бу кўплар қатори Ўлмас Умарбековга ҳам таллуқлидир. Нега деганда унинг адабиётимизда ўз ўрни, ўз овози ва сози бор. Мана шундай истеъдод эгалари адабиётни бойитади, адабий жараёнда етакчилик қилади. Адабий жараён эса гўё бир оқар дарё. Бу дарёда ҳар ким ўзи билганича, эплаганича сузади. Баъзилар кимларгадир эргашиб, оёғига осилиб олади. Ўлмас Умарбековни ана шу адабиёт дарёсида қоқилмай-суқилмай мустақил сузаётганлардан десак арзийди.

Ў. Умарбеков ҳам кўпгина истеъдодлар сингари ўзининг ижодий услуби, маънавий-руҳий олами, ҳиссиётлари орқали ўзлигини, ўз овозини яратди.

Хўш, Ўлмас асарларининг ижодий фазилатлари нимада? Бу энг аввало, қаҳрамонларнинг ички белгиларини кўрсатиш орқали инсоннинг ички туйғу-ўйларини, ҳатти-ҳаракати ва қалбини очиб беришдаги маҳоратида намоён бўлади. Бунинг устига у яратган қаҳрамонлар кўпинча мансабдор ва бирор бир лавозим эгаси эмас, балки оддий, камтарин ва меҳнаткаш халқ вакилларидир.

Ўлмас асарлари доимо қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Ўша «Севгим-севгилим», «Одам бўлиш қийин», «Ёз ёмғири» каби насрий китоблари ёки «Ўз аризасига кўра», «Қиёмат қарз» каби драмаларини олиб кўрсак... Энг муҳими, улар ўша баҳсларга жавоб ҳам бера олади, китобхонни фикрлашга ҳам етаклайди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ёзувчи асарларида қўйилган муаммолар одатдагидек дабдабали тасвирлар ёки характерларарo ўткир кураш тарзида эмас, балки оҳиста, вазмин, босиқ ва хотиржам бир кўринишда инсон руҳий оламида кечади. Буларнинг ҳаммаси Ўлмас Умарбеков асарларига файз бағишлайди.

1950 йилларнинг охирларида Ёзувчилар уюшмасида йиллик адабий «ҳосил кўтарилган» пайт эди. Шунда Учқун Назаровнинг «Одамлар», Ў. Умарбековнинг «Бобоёнғоқ» ҳикоялари эл оғзига тушган эди. Ҳатто Абдулла Қаҳҳордек ҳассос ва ўта талабчан ёзувчи улар ҳақида илиқ сўзларни айтгани ёдимда.

Хўш, «Бобоёнғоқ»даги фазилат нимада эди? Бир қарашда ундаги воқеа содда, қаҳрамонлари ҳам оддий бир боғбон ва унинг набираси... Ҳамма гап шундаки, бир вақтлар ёвуз кучлар томонидан бевақт ўлдирилган Сайдазим қўлида экилмай қолган бир туп ёнғоқ ниҳолини Ғуломқодир ота экиб вояга етказгану вақти келиб раҳбарлар қурилиш баҳонасида уни кесиб ташламоқчи бўлишади. Бинобарин адиб 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошларида энг долзарб масалага айланган табиатни муҳофаза этиш муаммосини анча аввал нозик фаҳмлаганлигини кўрамиз. Энг муҳими, унда катта бир маънавий-ахлоқий муаммо ўртага ташланган.

Ёинки «Севгим-севгилим», «Ёз ёмғири», «Одам бўлиш қийин» асарларини олиб кўринг. Маълумки, яқинларгача кўпгина қаҳрамонлар «оғир курашлар»дан сўнг бахтли тақдир эгаси даражасига кўтарилиб тасвирланган. Ўлмаснинг ушбу асарларида эса бахтли тақдирлар эмас, балки фожиавий характерларни яратиш томон силжиш пайдо бўлганди.

Хуллас, Ў. Умарбеков истеъдодли ижодкор сифатида ўз китобхони ва томошабинини топган бахтли адиблар сирасига киради. Мен уни ўта кўнгилчан, андишали ва раҳм-шафқатли инсонлардан деб ўйлайман. Иккинчидан, у раҳбар сифатида фаолият кўрсатган даврда мавжуд доирадан чиқиб, бирор-бир мустақил ҳаракат қилиш осон эмасди. Аниқроғи, гап ёзувчи Ў. Умарбеков билан раҳбар Ў. Умарбеков ҳақида борар экан, мен бошқа бир фикрни ўртага қўйишни хоҳлардим. Яъни ҳар қандай давр ва шароитда чинакам истеъдодли санъаткорларнинг ўзлари аввало сиёсатдан ташқарида туриб, соф бадиий ижод билан машғул бўлганини ёқлардим. Қаранг, талантли шоир ва ёзувчиларимиздан Э. Воҳидов, А. Орипов, Ҳ. Худойбердиева, Ў. Ҳошимов қаторида Ўлмас Умарбеков ҳам адиб сифатида сон-саноқсиз ўқувчиларнинг ҳурматига эга. Аммо уларнинг қайси бири раҳбар сифатида майдонга чиққса, ўша меҳр ва ҳурматдан узоқлашиш ҳоллари сезилади. Нега? Чунки раҳбар бўлгач, бировда қош, бировда қовоқ пайдо бўлади. Ўлмас эса кўнгилчан инсон. Э-ҳе, у турмушнинг не-не жабру жафоларини кўрмади?! Шуларни енгиб, маънавий-ахлоқий соғлом асарлар ёзиш осон эмас. Шу маънода у раҳбар сифатида бирон-бир нуқсонга йўл қўйган бўлса кечиримли деб ўйлайман. Сабаби у табиатан раҳбар эмас, аввало, ижодкор инсондир.

Ўлмас Умарбековдек адибимиз борлигининг ўзи халқимизнинг ҳам, адабиётимизнинг ҳам бахти. Очиқ айтиш керак, мен баъзи актёр, олим ва ёзувчиларни биламан. Уларга мукофот, нишон ва унвонлар чиндан ҳам оғир тўшакда ётганида «савоб» тариқасида берилгандек туюлади. Ўлмас Умарбеков каби истеъдодли адиб ва санъаткорларнинг бахти эса улар аллақачон ўз китобхонлари қалбига сингиб кетганлигида. Ижодкор учун бундан ортиқ бахт, қадр борми?

— Мазмунли суҳбатларингиз учун раҳмат! Бахтимизга доимо омон бўлинглар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў. Умарбеков азиз муштарийларга эзгу истагини билдиришни лозим топди. «Худонинг ўзи ўт балоси, сув балосидан асрасин, дейишади. Яна сувдек сероб бўлинг, дейишади. Дастурхонингиз доим тўлиб турсин, дейишади. Булардан яхши тилаклар бормикан? Чин юракдан шу тилакларга қўшилиб, дилимни ғаш қилиб турган бир муаммони айтиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса ҳозирги қийин иқтисодий шароит. Халқимиз шу мушкулликлардан ҳоли бўлиб, эсон-омон, дард кўрмай яшашини орзиқиб кутаман. Элимиз дастурхони доим ёзиқлик бўлсин, тўлиб турсин.

Ўлмас УМАРБЕКОВ,
7 XII. 91 йил.

Биз ҳам севимли ёзувчимизга узоқ умр, янги баркамол асарлар яратишида сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Суҳбатдош —
Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон маданият жамғармаси матбуот маркази мухбири.

Эсдалик учун дастхат

ЎЗБЕК ЧОЙХОНАСИНИ ЖАҲОНГА ТАНИТГАНЛАР

Муштарийларга «Эсдалик учун дастхат» рукни остида яна кимлар билан учрашишни хоҳлардингиз, деб савол берганимизда, улар хилма-хил киши ва жамоаларни кўрсатишди: Шохсанам Қиличева, Эркин Юсупов, Мнржалол Қосимов, «Эски шаҳар», «Юлдузлар»... Бироқ мактубларнинг деярли 90 фоизида фақат икки ном кўрсатилган — Юлдуз Усмонова ҳамда «Ялла» дастаси. Биз фикрлашиб, бугун «Ялла» билан таништиришга қарор қилдик. Бу бежиз эмас, албатта. «Ялла» куни-кеча ўзининг 20 йиллигини нишонлади. Даста ҳақида жуда кўп айтилган ва ёзилган бўлсада, муштарийларимизни даста аъзолари — олижаноб бешликка берадиган саволлари мўл экан. Шунинг учун ҳам бугунги суҳбатимиз «Ялла» ҳақида.

70-йилларнинг бошларида Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳида вокал-чолғу дастаси бўйича хонандалик жамоаси тузилганида, бу жамоа вақти келиб машҳур бўлиб кетиши, эстрада шинавандаларини ўзига ром қилиши ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Чунки консерватория ва олийгоҳ талабалари ҳамкорлигида вужудга келган бу жамоа шунчаки фаолият кўрсатар, унинг ҳатто ўз номи ҳам йўқ эди. Жамоа аъзолари Асқар Фатхулин, Шахбоз Низомиддинов, Сергей Аванесов, Баҳодир Жўраев, Дмитрий Цирин, Шомил Зокиров ва Фарруҳ Зокировлар номи эса ҳали ҳеч кимга ҳеч нарсани англатмас эди.

Гуруҳ 1970 йилнинг охирларида ташкил топган бўлса-да, унинг фаолият бошлаган даври 1971 йил билан боғланади. Чунки айнан шу йили «Ялла» ўз номини топди, вокал чолғу дастаси сифатида тан олинди ва Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ «Алло, биз истеъдодларни излаймиз» танловида лауреат бўлди. Бу ғалаба «Ялла»ни ва унинг муваффақияти учун елиб-югурганлар (гуруҳ раҳбарлигига тайинланган Герман Рожков, жамоани оталиққа олган таниқли бастакор Евгений Ширяев, Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг котиби Аъло Хўжаев, Ўзбекистон телевидениеси мусиқа муҳарририяти эстрада программалари муҳаррири Любовь Юхнова ва бошқалар)ни анча «тер тўкиш»га мажбур қилди. Лекин бу саъй-ҳаракатларнинг зое кетмаганлиги, «Ялла»нинг кутилмаган муваффақиятни қўлга киритиши гуруҳ аъзолари учун келажакка умид ва ишонч билан қарашга, ўз услуби ва йўлини белгилаб олишга ёрдам берди.

«Ялла» ўзи учун танлаган мустақил йўл— ўзбек миллий қўшиқларига эстрадага мослаб сайқал берилишини ҳамма ҳам бир хилда қабул қила олмади. Кўпчилик «Ялла»ни айнан шунинг учун ёқтириб қолган бўлса, яна бошқалар худди шу йўл учун қоралашди. Бироқ «Ялла» ўз овозига эга бўлиб, ўз услуби ва йўлини танлаб олган, унинг учун енгилмас тўсиқлар йўқ, фақат олдинга интилиш зарур эди.

Ўз репертуари устида жиддий иш бошлаган жамоа концертчилик фаолиятини кенгайтира борди. У республикамизнинг Самарқанд вилоятида, мамлакатнинг Москва, Ростов шаҳарларида дастлабки гастролларини ўтади. Айнан концертчилик фаолияти учун «Ялла» 1972 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди. Худди шу йили дастага Лариса Қандалова қўшилди. «Ялла» чет элга ҳам чиқиш имконига эга бўлди. У Польшада бўлиб ўтган «Варшава баҳори» фестивалида қатнашди. Болгария, Руминия ва Германияда сафарда бўлди. 1973 йили «Ялла» Германияда ўтказилган Х Бутуниттифоқ фестивалида, Берлинда бўлиб ўтган «Ритм-73» фестивалида қатнашди. Шу йили Чехословакияда ўтган «Братиславская лира» фестивалида эса «Мухлислар олқиши» совринини қўлга киритди. 1974 йилдан «Ялла» капиталистик мамлакатларни ҳам «забт» эта бошлади. У Германия Федератив Республикасининг Дюссельдорф ва Эссен шаҳарларидаги байрамларда қатнашиб, кўпчилик эътиборини ўзига жалб қилди. Дастага мутасаддиларимиз ҳам жиддий эътибор беришди. «Ялла» АҚШ ва ГФР аппаратурасига эга бўлди.

1980 йили «Ялла» Мўғулистон ва Вьетнамга сафар қилди. Вьетнам ҳукумати дастанинг барча аъзоларини юксак унвон — миллий Дўстлик ордени билан мукофотлади. 1982 йили «Учқудуқ» номли илк катта пластинка чиқарилди. Худди шу йили Халқлар Дўстлиги саройида «Ялла» биринчи марта «Дўстлар, келинг чақчақлашайлик» мусиқавий спектаклини намойиш этди. Паланга шаҳрида бўлиб ўтган «Юность Балтики» фестиваль-танловида икки мукофот — энг яхши дастур учун «Гран-при» ва «Энг яхши ижрочи» (Фарруҳ Зокиров) совринларини қўлга киритди. Шундан кейин «Ялла»нинг сафарлари орта борди: Германия, Чехословакия, Шри Ланка, Непал, Мальдив ороллари, Ангола, Конго, Афғонистон, Мексика, Ҳиндистон... Кўпгина чет эллик эстрада мухлислари «Ялла» орқали Ўзбекистонни танидилар.

1987 йил «Ялла» ўзининг машҳур «Мусиқавий чойхонаси»ни тайёрлади. Концерт дастурининг рус тилида, аммо шарқона услуб ва оҳангда тайёрланиши уни бутун мамлакатга машҳур қилди. 1989 йили самарали концертчилик фаолияти ва миллий қўшиқчилик санъатини тарғиб қилишда ўзига хос йўл тутгани учун «Ялла» вокал-чолғу дастасига Ҳамза номли Давлат мукофоти топширилди.

1990 йили Марокаш юртига сафар чоғида машҳур «Жиннуни» қўшиғи вужудга келди. «Араб ламбадаси» номини олган бу қўшиқ жуда тез оммалашиб кетди ва кўпчиликнинг севимли қўшиқларидан бирига айланиб қолди.

Ўтган 1991 йил «Ялла» учун таассуротларга бой бўлди. У ўзининг тўртинчи дискини чиқарди. (1 — «Учқудуқ», 1982 йил; 2 — «Лицо возлюбленной моей», 1983 йил; 3 — «Мусиқавий чойхона», 1988 йил;). «Фалакнинг феъл-афъоли» деб аталган бу пластинкадан «Ялла»нинг кино учун ёзилган қўшиқлари ҳам ўз ифодасини топган. ЭМ-БИ-СИ телекомпанияси таклифига биноан «Ялла» Жанубий Кореяда концерт дастури билан қатнашди. Ўтган йилдаги энг қувончли воқеа «Ялла» вокал чолғу дастасининг 20 ёшга тўлиши бўлди. Очиғини айтганда, камдан-кам гуруҳ ёки жамоага, санъаткорга бунчалик узоқ туриш насиб этади. Бундай кунларга етишиш учун қанча тўсиқларни енгиб ўтиш, қийинчиликларга чидаб бериш керак. «Ялла» ҳам ҳозирги қутлуғ ёшига осонликча етиб келмади. Дастада ишлаган ва турли сабабларга кўра ундан кетган Шаҳбоз Низомиддинов, Лариса Қандалова, Наргиз Бойхонова, Исмоил Жалилов, Маъмура Қурбонова, Эдуард Мендельсон, Асқар Фатхулин, Григорий Пушен, Борис Гершкович ва бошқаларнинг «Ялла» «Ялла» бўлиши учун озмикўпми ҳиссалари бор.

«Ялла»нинг бадиий раҳбари (1976 йилдан) Фарруҳ Зокиров даста ташкил топган вақтдан то шу кунгача етиб келган ягона ижодкордир. «Ялла» вокал чолғу дастасининг ҳозирги таркиби эса асосан 1979 йилда шаклланган. Ялтада бўлиб ўтган эстрада танловида Фарруҳ Зокиров ва Рустам Илёсовлар дўстлашиб қолишди. Ана шу икки санъаткорнинг иттифоқи «Ялла»нинг кейинги фаолиятида катта роль ўйнади. Шу йили дастага Алишер Тўлаганов ва Жавлон Тўхтаевлар қабул қилинди. 1973 йилдан бери «Ялла»да ишлаб келган, 1979 йилда «Оригинал» гуруҳига ўтиб кетган Аббос Алиев 1981 йили яна қадрдон жамоасига қайтди.

Хуллас, «Ялла»нинг достонлар битса бўладиган таржимаи холининг қисқача кўриниши шу. Биз одатдагидай зарур маълумотларни эълон қилдик, ҳақиқий савол-жавоб, суҳбат эса энди бўлади.

«Ялла» вокал чолғу дастасининг аъзолари сиз муштарийларнинг саволларингизни кутишмоқда. Сизни қизиқтирган барча саволларга «олижаноб бешлик» — Фарруҳ Зокиров, Рустам Илёсов, Жавлон Тўхтаев, Алишер Тўлаганов ва Аббос Алиевлар жавоб беришади. Саволлар 1 февралдан кечиктирилмаган ҳолда юборилиши лозим. Мусоҳаба «Замон ва ёшлар»нинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

Аброр ИМОМХЎЖАЕВ.

• «Ялла»— саҳифамиз меҳмони.
• Тенгдошинг ижоди.
• Талабларингизга биноан—яна...
• Мактубларга... муштарийлар муносабати.
• Ўйлаб қоласан киши.

Ҳаётий ҳаёт, ҳарбий-ватанпарварлик, ахборот ва ёшлар бирлиги
32-55-56
33-99-15

ЗАМОН ВА ЁШЛАР

Бахтиёр АБДУЛ ҒАНИ (Абдукаримов) — 1972 йилда Бекобод ноҳияси Жумабозор қишлоғида туғилган. 1989 йилда мактабни тамомлаб, ҳозир ТошДД журналистика куллиётининг III курсида таҳсил олмоқда.

*

МАЙСАЛАР БАҒРИГА ОЛАДИ БИЗНИ

Бир куни..
Ташвишу ғубордан ҳоли
Майсалар бағрига олади бизни.
Барглар хижоб бўлар булут мисоли
Олмалар сарғаяр кутиб бир сўзни.

Кўзлар дарё бўлар, манзили — кўкда,
Юраклар тоғ бўлар, ораси — бир сўз.
Жисмимиз кўз ёшга айланган чоғда
Жоним, иккимиз бир ЮЛДУЗ бўлурмиз.

Ўшанда..
Ташвишу ғубордан ҳоли
Майсалар бағрига олади бизни...

ЭНДИ...

Энди хаёлларим тополмас паноҳ,
Энди орзуларга йўқдир бошпана.
Энди юрагимни қийнаган қийноқ —
Энди сен ҳам мени тинч қўй, қизғина.

Тунлар ой йўлимни пойламанг зинҳор,
Юлдузлар, сизлар ҳам кутмангиз мени.
Бугун дунёга келиб, сўнгги бор
Қуёшнинг ҳидини унутган куним.

Севги-муҳаббат. Йигит-қиз.
Ўртада гул — севги изҳори.
Севишлар. Севилиш — қизил юз,
Бошланур севгининг баҳори.

Кутишлар. Бир минут — бир соат.
Кетишлар — қизил гул сўлиши.
Ўртада — афсус ва надомат,
Бу эса — севгининг илк қиши.

Само бир гўзални берса дунёга
Шамолдан мен учқур кунлар сўрардим.
Ва ул гўзални мен ўраб знёга
Бу ношуд дунёдан олиб кетардим.

Ҳеч кимни кутмайман.
Мени ҳам...
Атиги бир инсон кутмайди.
Агарда зориқиб мен кутсам,
Биламан, у албат келмайди.

Бахтиёр АБДУЛ ҒАНИ.

ЯНА «БОЛАЛАР»...

«Замон ва ёшлар» саҳифасида «Болалар» гуруҳи ҳақида суҳбатлашганимизга ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу оз вақт ичида «Болалар»да баъзи ўзгаришлар содир бўлдики, бу унинг мухлисларини эътиборсиз қолдирмади. Муҳарририятга келаётган хатлар асосида биз гуруҳ продюссери Шароф Даминов билан суҳбатлашдик.

— **Эшитишимизга қараганда «Болалар» гуруҳи янги хусусий фирма ташкил қилибди. Бу фирманинг ташкил қилиниши мақсадлари ва унинг фаолияти ҳақида гапириб бersангиз.**

— Биласизми, ҳозиргача «Болалар» қайси ташкилотга қарам бўлган бўлса, ҳеч қайсисидан фойда кўрмасди. Концертлар, турли тадбирлардан тушган аксарият маблағни «оталиққа олганлар» ўз ҳисобларига ўтказишарди. Бундай фаолиятнинг эса бизга нафи йўқ эди. Шароитдан келиб чиқиб, биз янги — «Болалар» ЛТД шоу-фирмаси»ни ташкил қилдик. Мен фирманинг Бош директори этиб тайинландим. «Болалар» гуруҳининг тўла таркиби ва Руслан Шарипов фирма аъзолари бўлишди. «Болалар ЛТД шоу-фирмаси» турли фаолият турлари, шу жумладан реклама-тижорат ишлари билан шуғулланади. Ҳозирча анча-мунча фойда кўрдик. Топган пулларимиз ўртада. Энди бизнинг ўз «Икарус»имиз, «КамАЗ»имиз, «Волга»миз бор. Лекин ўзимизни таъминлай олаётганимиз — биз ҳомийлардан воз кечдик, деганимиз эмас. Ҳозир бизга «Омад» брокерлик фирмаси ҳомийлик қилаяпти. Шунингдек, шу фирмага бевосита боғлиқ бўлган «Таш К° ЛТД» Савдо уйининг Бош директори Тойнурод Юнусметов ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

— **Тоҳир Содиқов ҳақида ҳар хил миш-мишлар юрибди...**

— Ҳа, Тоҳир авария ҳалокатига учради. Ўтган йили 10 ноябрь куни биз бир гуруҳ санъаткорлар йиғилишган эдик. Болалар бир жойга бориб келишларини айтиб чиқиб кетишди. Тоҳир «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида уларни кутиб турган экан. Шу пайт катта кўчадан тезлик билан келаётган машина тўғри Тоҳирга келиб урилган. Ўша пайтда Тоҳирнинг аҳволини кўриш жуда даҳшат эди. Турган жойидан 5 метр нарига отилиб тушган Тоҳирни биз ўзимиз ҳам бир қарашда таниёлмадик.

Ҳайрият, ҳамма даҳшатлар ортда қолди. Операциялардан муваффақиятли чиққан Тоҳир 59 кун касалхонада ётди. Ҳозир уйда, соғлиғи анча яхши. Март ойида оёғидаги «темир»ини олиб ташлашса, у яна саҳнага чиқади, деган умиддамиз. Шу ўринда баъзи матбуот нашрларида биз ҳақимизда умуман нотўғри маълумотлар берилаётгани ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчи эдим. Тоҳир ўша фалокат юз берган куни маст ҳолда бўлгани ҳақидаги, гуруҳ аъзолари гўёки ҳарбий хизматга чақирилиб, «Болалар» тарқалиб кетиши ҳақидаги хабарларнинг бирортаси ҳақиқатга тўғри келмайди.

— **Гуруҳингизнинг етакчи хонандаси Тоҳир Содиқовсиз концертлар беришингизга ҳам тўғри келибди...**

— Шундай бўлди. 23—24 ноябрь кунлари «Юбилейний»да концертларимиз бўлиши керак эди. Тоҳирсиз бизга анча қийин бўлишини биландик. Лекин шароит тузилган шартномани бузмасликни, яъни концертни қолдирмасликни талаб қиларди. Бунинг устига ҳамма патталар сотиб бўлинган экан... Хуллас ўша кунлари концертларни қийинчилик билан ўтказдик. Шундан кейин 28 ноябрдан 30 декабргача бутун Ўзбекистон бўйлаб сафарда юриб, концерт дастурларини намойиш қилдик. Бу сафарларда ҳам Тоҳир Содиқов иштирок эта олмади.

— **Гуруҳда яна қандай янгиликлар бор?**

— Янгиликлар кўп. Мана, яқинда 2 та катта — пластинкамиз чиқарилади. Биринчи пластинкадан 3 альбом асосида кўпчиликнинг дидига тушган қўшиқларимиз, иккинчисида эса 4-альбомдаги қўшиқлар жой олган. Февраль ойининг бошларида «Болалар» гуруҳи аъзолари акс эттирилган плакатлар, календарлар чиқариш кўзда тутилган.

Февралда Фарғона, Қўқон, Наманган, Андижонга боришни режалаштирганмиз. Олдинда бизни яна Туркия, Сингапур, Ҳиндистон сафарлари кутяпти...

...ВА ҚИЗЛАР ҲАҚИДА

«Болалар» гуруҳи тўғрисидаги «Қалбан ёш бўлинг доим» (1991 йил, 6 сентябрь) мақоласи билан бирга берилган «Хатлардан сатрлар» ҳам кўпгина муштарийларнинг баҳс ва мунозараларига сабаб бўлди. Қизларнинг «Болалар» гуруҳи аъзоларига билдирган истак ва орзулари, дил изҳорлари, кўпчилик ёшларни қўлларига қалам олишга ва муҳарририятга мактуб ёзишга мажбур қилибди. Қуйида биз ана шундай хатлардан баъзиларини эълон қиламиз.

НОМИМИЗГА ДОҒ ТУШИРМАНГ

«Тошкент ҳақиқати» орқали «Болалар»га мактуб битиб, унда ўз севгиларини изҳор қилган қизларга юқоридаги гапни айтиб, эс-ҳушларини йиғиб олишларини сўрамоқчи бўлиб ушбу мактубни битдик.

Тўғриси, «Хатлардан сатрлар» сарлавҳаси остида берилган баъзи мактубларни ўқиб таажжубга тушдик. Бу сатрларни, сўзларни ўзбек қизлари ёзганига ишониш ҳам қийин. Наҳотки ибо, ҳаё, ор-номус, қизлик ғурурини шунчалар унутган бўлсалар?! Қолаверса, қайси бир йигит ўзлигини унутган, уят нималигини билмайдиган қизни ёқтирибди? «Болалар»нинг аъзоларидан бирортаси шу қизларнинг «оҳ-воҳ»ларига жиддий қараб, бирортаси билан дўстлашиш у ёқда турсин, ҳатто танишишни ҳам хоҳламагандир. Чунки бундай қизлардан ҳамма ҳам нариёқ юришни афзал кўради. Сенги изҳор қилиш йигитларимизга хос хусусият бўлса ҳам, улар ўз навбатида қалбларидагини чиқариш учун анча ҳаяжонланишади, қийналишади. Қизларнинг севги изҳор этишларини эса (яна рўзнома орқали, очиқдан-очиқ, ҳаммага жар солиб) биринчи кўришимиз.

Қизлар! Ўзингизни сал ўнглаб олинг! Ўзингизнинг ҳам, ўзгаларнинг ҳам номига доғ туширманг! Ахир, ҳаммамиз ҳам ўзбек қизларимиз, биз ҳақимиздаги ўзгалар фикрини фақат ижобий томонда сақлаб қолайлик!

ЎҒИЛОЙ, МАЛОҲАТ,
Оҳангарон райони, Қорахтой қишлоғи.

«ХОҲЛАГАНИНГИЗНИ ТАНЛАБ ОЛИНГ»

Янгибозорлик 16 ёшли Шонранинг мактуби кишини ҳайрон қолдиради. Наҳотки бу қизнинг куни шунга қолган бўлса, яъни ўз расмини муҳарририятга юбориб «Болалардан қайси бири хоҳласа шунга тегишга розиман» деб ўтирса?! Одатда, бўйи етган қиз бўлган ўзбек хонадонига совчи келгач, қиз ўзи учун муносиб кишини танларди. Шонрахон бўлса ўзини «бозорга солиб ўтирибди». Ҳали энди 16 ёшга тўлган қиз-а!

Ёки бу шон-шуҳрат ортидан югуришми? Ўзгалар шуҳрати орқали ном чиқариш истагида ўз ор-номусини ерга ургандан кўра...

Зулхумор ЖАББОРОВА,
Тошкент шаҳри.

СЕВГИДА АЙБ ЙЎҚ...

«Замон ва ёшлар» саҳифасида берилган «Қалбан ёш бўлинг доим» номли мақолани ўқиб хурсанд бўлдим. Чунки бу ерда кўпчилик ёшларнинг севимли гуруҳи — «Болалар» ҳақида кенг ёритилган экан. Лекин...

Мақола остида берилган «Хатлардан сатрлар»ни ўқиб ғашим келди. Тўғри, ҳар кимнинг ўз севган шоири, ёзувчиси, хонандаси, гуруҳи, ўқитувчиси бўлади. Аммо бу ўринда... Қизларимизнинг кўпчилиги менинг назаримда «ғуёв танлашда ким ўзарга» мусобақасини уюштиришгандай туюлди.

«Севгида айб йўқ» дейдилар. Ҳали балоғатга етмаган қиз дилида уйғониб келаётган ҳис-туйғуларни қўллаб, ўзини руҳлантирган йигитни ёқтириб қолиб, «севдим» деса ҳам айб эмас. Сиз сингилжонларга бундай севги ўткинчи, бу йигитларни фақат саҳна, қўшиқлари орқали биласиз, шунинг учун ортиқча хаёлларга берилманг, деб насиҳат бермоқчи эмасман. Балки бир кун келиб улардан бири сизни кўчада учратиб ёқтириб қолар, уйингизга совчи юборар. Ҳаётда ҳамма нарса бўлади. Лекин ҳеч қачон ўз мақсадингизга эришиш учун ибо, ҳаё, қизлик ғурурингизни оёқ ости қилманг!

Латофат НОМОЗОВА,
Сурхондарё вилояти, Термиз ноҳияси.

Шаҳноза АБДУШОҲИДОВА тайёрлаган.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

БИРОВНИНГ УСТИДАН КУЛМАГИН ЗИНҲОР...

Ҳар кунгидай троллейбусда ишга кетаётган эдим. Бекатлардан бирида 3—4 нафар ёшгина улуғ отахонлар чиқишди. Ўзларини тутишлари, кийим-бошларидан улар қишлоқдан келган меҳмонлар экани кўриниб турарди. Улардан бири паттани чакчлашга киришди. Лекин анча ҳаракат қилиб, чакчлагичнинг «тили»га тушунолмай хуноб бўлиб турганда ёнларидаги аёл уларга ўз хизматини таклиф қилди.

«Хўш, нима бўпти?» дейсизми? Менга бу воқеа атрофида вужудга келган иккинчи воқеа катта таъсир қилди. Нарироқда турган ёш-ёш қизлар ўзларини тута билмасликлари, боболари тенги келадиган отахонларни масхаралаб кулишларини кўриб жаҳлим чиқди. Уларга ўзимча танбеҳ бермоқчи бўлдим, лекин бу қизлар гапларимга қулоқ тутиш тугул, менга қайрилиб ҳам боқишмас, деган хаёлда гапиролмадим. Троллейбусдан тушгач эса шундай қилганимга афсусландим.

Ишга етиб борганимча қизларнинг кулгуси натижасида уялиб кетган, қизаринқираб қолган отахон кўз олдимдан кетмади, қулоғим остида эса унинг «Бизда бундай мошин йўқда» деган гаплари жаранглаб турарди.

Дилфуза АББОСХОН қизи,
Тошкент шаҳри.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 24.00. 30579 нусха босилди.